ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Нурходжаева Хилола Хакимходжаевна ТДТУ мустақил изланувчиси

Замонавий жаҳон иқтисодиётида транспорт соҳаси стратегик аҳамиятга эга тармоқлардан бири сифатида намоён бўлиб, юк ташиш тизимининг самарали фаолият юритиши миллий ва халқаро иқтисодий муносабатларнинг барқарорлигини таъминлашда ҳал қилувчи ўрин тутади. Айниқса, темир йўл транспорти инфратузилмасининг ривожланганлиги юк оқимининг узлуксиз ҳаракати, экспорт-импорт операцияларининг ритмиклиги, минтақавий логистика занжирларининг шаклланиши ва ташқи савдода рақобатдошлик муҳитининг мустаҳкамланишида муҳим омил ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган транспорт соҳаси ислоҳотлари доирасида темир йўл транспортини модернизация қилиш, ички ва халқаро юк ташишда унинг улушини ошириш, “яшил коридорлар”ни жорий этиш, тариф сиёсатини либераллаштириш ва хизмат сифатидаги операторлик фаолиятини диверсификациялаш каби кенг кўламли мақсадлар белгиланган. Лекин амалда мавжуд тизимда тариф хавфининг юқорилиги, техник қувватлардан самарали фойдаланилмаслик, рақамлаштириш даражасининг пастлиги ва логистика интеграциясининг заифлиги каби муаммолар ҳали ҳам сақланиб қолмоқда. Бу эса юк оқимида узилишлар, хизмат кўрсатишда рақобатнинг камлиги ва давлат ресурсларининг натижавий қайтарим даражаси паст бўлишига олиб келмоқда.

Ушбу стратегик йўналишларни амалга ошириш эса, ўз навбатида, темир йўл транспорти тизимининг бозордаги рақобатдошлигини ошириш, хизмат кўрсатиш сифатини тубдан яхшилаш ва тармоқнинг иқтисодий қайтаримини таъминлашни талаб этади. Мазкур мақсадларга эришиш учун фақат инфратузилмани янгилаш билан чекланиб бўлмайди — унинг ичида амал

қилаётган иқтисодий механизмлар, тариф сиёсати, операторлик фаолияти, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимлари ҳам тубдан қайта кўриб чиқилиши лозим.Ушбу ислоҳотларнинг самарали амалга оширилиши, аввало, темир йўл транспортининг рақобатбардошлигини кучайтириш ва унинг иқтисодий қайтаримини ошириш учун мустаҳкам замин яратади.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 февралдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ҳамда 2019 йил 1 февралдаги ПФ-5647-сон «Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 2 декабрдаги ПҚ-3422-сон «2018-2022 йилларда транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва юк ташишнинг ташқи савдо йўналишларини диверсификациялаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, шунингдек мазкур йўналишдаги бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу йўналишда олиб борилган тадқиқотлар муайян даражада хизмат қилади. Фикримизча, ҳозирги кундаги олиб борилаётган тадқиқотлар республика фан ва технологияларн ривожланшининг устувор йўналишларига мослашган бўлиб, “Демократик ва хуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацон иқтисодиётни шакллантириш”дек устувор йўналишларига қаратилиши талаб этилади.

Тармлқ иқтисодиёти ва мнежменти самарадорлигини ошириш масалалари бўйича илмий мактаби вакиллари ҳисобланган Р.Акофф, Ф.Тейлор, М.Мескон, П.Друкер, А.Файоль ва Л.Берталанфи каби етук олимларнинг илмий ишларида батафсил ёритилган 1 . Транспорт инфратузилмасини ривожлантириш масалалари чет эллик олимлардан: Р.Баллоу, П.Стеварт, К.Стерлигов, Н.Плетнева, Т.Цывкунова, А.Кеарней, Т.Голдсбу ва

бошқаларнинг илмий изланишларида ўз аксини топган2.

МДҲ олимларидан ушбу соҳада И.Белов, Г.Бубнова, Г.Вовк, В.Галабурда, О.Ефимова, А.Зайцев, А.Каплан, Р.Кожевников, В.Козырев, В.Колесников, Б.Лапидус, Л.Левицкая, Б.Лёвин, Б.Аникин, Э.Гагарский, В.Герами, В.Дыбская, А.Кириллова, А.Колик, П.Куренков, Э.Мамаев, Л.Миротин, В.Моргунов, Д.Новиков, В.Сергеев ва Л.Фёдоровлар томонидан минтақа транспорт ва логистика комплексининг иқтисодий самарадорлигини ошириш масалалари чуқур ўрганилган ва изоҳланган3.

Ўзбекистон олимларидан Г.Саматов, М.Икрамов, К.Ульджабоев, Я.Қорриева, А.Шермухамедов, К.Зиядуллаев, М.Ирисбекова, А.Зоҳидов, А.Гуламов, В.Ярашова ва Ж. Файзуллаев4лар мамлакат транспорт тизимини самарали ривожлантиришга муҳим аҳамият қаратганлар. Шунингдек, транспорт коммуникациялари муаммоларини сиёсий фанлар кесимида тадқиқ этган тадқиқотчилар қаторига Ж.Артиков, И.Қодиров, Р.Сарбаев ва бошқаларнинг илмий ишларида ёритиб берилган5.

Мамлакатимизда ҳам бу йўналишдаги илмий изланишлар охирги йилларда фаоллашган. Жумладан, транспорт логистикасини ривожлантиришдаги тизимли муаммолар, миллий ва халқаро юк ташиш бозорида рақобатдошликни шакллантириш, тариф сиёсатини оптималлаштириш ва инфратузилмани янгилашга доир тадқиқотлар амалга оширилган. Бироқ мавжуд илмий ишларда юк ташиш тизимини стратегик даражада баҳолаш, уни самарали бошқариш механизмларини ишлаб чиқиш, айниқса, соҳадаги давлат қўллаб-қувватлаш инструментларини самарадорлик мезонлари асосида баҳолашга қаратилган илмий ечимлар ҳанузгача етарлича ривожлантирилмаган.

.

.:

Айниқса, транспорт хизматлари бозорида рақобатбардошликни таъминловчи омилларни (тариф хавфи, хизмат сифатини KPI орқали баҳолаш, интеллектуал бошқарув, логистика узлуксизлиги), харажатларни оптималлаштириш ва инновацион механизмларнинг иқтисодий натижавийликка таъсирини комплекс баҳолашни назарда тутувчи илмий методологиялар ҳозирги кунгача изчил шаклланмаган.

Адабиётлар ва олиб борилган тадқиқотлар таҳлили асосида ҳамда, юк ташиш самарадорлигини тармоқ даражасида ўлчаш, мамлакат миқёсида ягона рақамли мониторинг индикаторларини жорий этиш, трансчегаравий интеграциянинг темир йўл фаолиятига таъсирини аниқлаш каби масалалар ҳам мавжуд тадқиқотларда етарлича қамраб олинмаганлигини келтириш мумкин.

Хулоса ўрнида, ҳозирги кундаги олиб борилаётган тадқиқотлар айнан шу илмий бўшлиқларни тўлдиришга, соҳанинг рақобатбардош ривожланишини таъминлашга хизмат қилувчи янги назарий ёндашув ва амалий ечимларни ишлаб чиқишга қаратилган бўлиши лозим.

Адабиётлар рўйхати

Акофф Р. Планирование будущего корпораций. – М.: Прогресс, 1985. – 328 с.; Тейлор Ф. Принципы научного менеджмента. США. 1911. – 77 с.;

2. Мескон М. и др. Основы менеджмента. Перевод с англ. М.: Дело, 2007; Файоль А. Общее и промышленное управление. – М.: Букинистическое изд, 1992. - 112 с

3. Берталанфи Л. Общая теория систем – обзор проблем и результатов // Системные исследования: Ежегодник. – М.: Наука, 1969. – 30-54 с.

4.Christopher, M. Logistics and Supply Chain Management: Creating Value-Adding Networks / Martin Christopher. – London: Prentice Hall. – 2016. – 305 p

5. Steward, P. Adaptive supply chain management / P. Stewar, B. Sokolov. – Springer, 2015. – 265 pp.; 6.Стерлигов К. Механизм управления рисками в логистике: автореф. … д-ра экон. наук.;

7. Плетнева Н.Г. Теория и методология управления логистическими системами в условиях неопределенности: дис. … д-ра экон. наук.;